

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВ РУСТАМ ХАЯТОВИЧ

**НАМЛАНГАН ЛЁССЛАРНИНГ ЗИЛЗИЛА ТАЪСИРИДА
ЎТА ЧЎКИШ ДЕФОРМАЦИЯСИ ВА ЗАМИН ТУРГУНЛИГИНИ
БАҲОЛАШ**

**05.09.02 – Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприклар ва транспорт
тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -- 2018

Фан доктори(DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук(DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Расулов Рустам Хаятович

Намланган лессларнинг зилзила таъсирида ўта чўкиш деформацияси
 ва замин турғунлигини баҳолаш..... 3

Расулов Рустам Хаятович

Сейсмопросадочная деформация увлажненных лессов и оценка
 устойчивости оснований..... 23

Rasulov Rustam Khayatovich

The seismic subsidence deformation of the humidified loess and an estimation
 of stability of the bases..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
 List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВ РУСТАМ ХАЯТОВИЧ

**НАМЛАНГАН ЛЁССЛАРНИНГ ЗИЛЗИЛА ТАЪСИРИДА
ЎТА ЧЎКИШ ДЕФОРМАЦИЯСИ ВА ЗАМИН ТУРГУНЛИГИНИ
БАҲОЛАШ**

**05.09.02 – Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприклар ва транспорт
тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.DSc/T131 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб – саҳифасида www.taui.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот – таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Маджидов Ином Уришевич

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллабеков Қаҳҳорбой Насирбекович

физика-математика фанлари доктори,
профессор, академик

Хасанов Аскар Забиевич

техника фанлари доктори, профессор

Марданов Ботир Марданович

физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Механика ва иншоотлар сейсмик
мустаҳкамлиги институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20 уй. Тел./факс: (99871) 232-14-79, e-mail: tadi_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20 уй. Тел.: (99871) 232-14-79.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А. А. Рискулов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

Х.М.Мамарахимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

А. А. Ишанходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий осмонўпар бинолар ва мураккаб иншоотларни қуриш, уларнинг мустаҳкамлиги, турғунлиги ва узоқ муддатга чидамлилигини оширишда ҳисобий усулларни такомиллаштириш ҳамда илғор технологиялар ва замонавий техника воситаларини қўллаш етакчи ўринни эгалламоқда. Ривожланган давлатлар, жумладан АҚШ, Япония, Корея, Россия, Хитой ва Ўзбекистонда «Турар жой, гидротехника, йўл, суғориш ва бошқа иншоотларнинг умрбоқийлигини ва сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш замонавий технологиялар ва техника воситаларини қўллаш каби истиқболли йўналишлар орқали амалга оширилмоқда»¹. Шу жиҳатдан намланган лёссларнинг зилзила таъсирида ўта чўкиш деформацияси ва замин турғунлигини тўғри баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда иншоот заминидаги грунтларнинг статик ва динамик таъсирлар остидаги мустаҳкамлик ва деформация хусусиятларини инобатга олувчи ҳисоб назарияси ва тажриба усулларини такомиллаштиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга иншоот заминидаги грунтларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва турғунлигини ошириш, динамик куч таъсирда грунтларнинг деформацияланиш хусусиятларини баҳолашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш мазкур соҳани ривожлантиришнинг муҳим масалаларидан бўлиб қолмоқда.

Республикамизда қурилиш саноатини ривожлантириш, қурилаётган объектларнинг сейсмик таъсирга нисбатан мустаҳкамлиги ва турғунлигини таъминлаш тизимларини такомиллаштириш ва барпо этиш чора-тадбирлари амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан узлуксиз таъминланиш даражасини ошириш,... сейсмик бардошлийлик, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш... аҳолининг турар жой бино ҳамда иншоотларига талаб ва эҳтиёжини таъминлашни тубдан яхшилаш»² вазифалари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифаларни бажаришга шу жумладан иншоот заминидаги лёсс грунтларнинг сейсмик таъсир жараёнида юк кўтариш қобилияти ўзгариши ва уларнинг ўта чўкиш хусусиятини ҳисобга олиш орқали ушбу тармоқларни лойиҳалаш усулларини ривожлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 2 июндаги ПҚ-340-сон “Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш

¹ Proceedings of the 13th International Conference on Soil Mechanics and Foundation Engineering. – New Delhi, 1994;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 49-47-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони

вазирлиги, кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда “Коммунхизмат” Агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳамда аҳолининг сейсмик хавфсизлиги, қурилиш зилзилабардошлиги ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 242-сон «Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика, иншоотлар сейсмодинамикаси ва информатика» ва XIV. «Сейсмология, бинолар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Бинолар замини ва грунтли иншоотлар таркибидаги грунтларнинг динамик мустаҳкамлиги ва турғунлигини таъминлаш усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Californiya University (АҚШ), Los Alamos National Laboratory (АҚШ), Institute of Seismology China (Хитой), Science University of Tokio (Япония), Ibaraki University (Япония), Москва давлат автомобиль-йўллари институти, Санкт-Петербург политехника университети, Б.Е.Веденеев номидаги Бутун иттифоқ Гидротехника илмий-текширув институти (Россия), Евразия давлат университети, Алмата давлат муҳандислик-қурилиш университети, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Сейсмология институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Ташкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация институти, Самарканд давлат архитектура-қурилиш институти (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Seed H.B., Harder L.F. SPT-based analysis of cyclic pore pressure generation and undrained residual strength. // Proceedings of the B. Seed memorial Symposium. 1990, Vol.2, P. 351-376; Kokusho T., Tanaka Y. Dynamic properties of gravel layers investigated by in situ freezing sampling. // Proceedings of the ASCE Specialty Conference on Ground Failures under Seismic Conditions. – Atlanta, 1994. pp.121-140; Nigbor R.L., Imai Y. The suspension P-S velocity logging method. Geophysical Characterization of Sites. A special volume by TC10 for XIII ICSMFE. – New Delhi, pp.57-61; Gergianou Y.N., Hight D.W., Burland J.B. Behaviour of clayey sands under undrained cyclic triaxial loading. // J. Geotechnique. 1991, 41. pp. 383-393; BBC (22.05. 2008); <http://www.youtube.com/watch=H9kB4sdvZTo&feature=related>; ИА REGNUM 27.10.15; NEWSru.com 27.10.15; DP.ru 27.10.15; Arshad Sharif (@arsched) 26. 10. 2015; www.bbc.com/news-41981499 PtvktnhzetybtD Bhfyт. вабошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган

Сувга тўйинган қумли грунтларнинг динамик турғунлиги муаммолари, сейсмик таъсирда грунтларда юз берувчи деформациялар, тебраниш жараёнида грунт тузилмасининг бузилиши, грунтлар устида динамик тадқиқотлар ўтказишга оид тажриба ускуналар яратиш бўйича жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: динамик таъсир жараёнида қумли грунтлар тузилмасининг бузилишини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган (California University, АҚШ); сувга тўйинган қумларнинг зичланиш деформациясини тадқиқотлаш асосида иншоот чўкишини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган (Los Alamos National Laboratory АҚШ), кучли зилзилалар таъсирида қумли грунтлар деформациясини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган (Science University of Tokio, Япония); зилзила таъсирида бўш грунтларнинг зичланиш хусусиятларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган (Institute of Seismology China, Хитой); қумли грунтларнинг динамик турғунлигини баҳолашга оид сизиш назарияси яратилган (Москва автомобиль-йўллари университети, Санкт-Петербург политехника университети, Россия Федерацияси), динамик синовлар ўтказишга оид намланган лёссларнинг зилзила таъсирида ўта чўкиш деформацияси ва замин турғунлигини баҳолаш учун янги замонавий асбоб-ускуналар яратилган (Ibaraki University, Япония).

Жаҳонда иншоот замини вазифасини ўтовчи бўш грунтларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, умрбоқийлиги ва узлуксиз ишлашини таъминлайдиган усуллар ва технологияларни ишлаб чиқиш бўйича устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда жумладан: грунтларнинг динамик хоссалари ва ташқи кучларнинг ўзаро таъсирини динамик кучларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш; сейсмик тўлқинлар тарқалиш жараёнида грунтларнинг зўриқиш-деформация ҳолатини назарий усуллар ёрдамида ҳисоблаш, сейсмик таъсир асосида замин мустаҳкамлигини баҳолашда грунтнинг динамик турғунлиги чегараси ва лёссларнинг ўта чўкишни аниқлаш ҳамда заминнинг юк кўтариш қобилиятини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш; грунтнинг турли намланиш ҳолатида “иншоот-грунт” тизимидаги ўзаро таъсир кучини аниқлаш; грунт мустаҳкамлигини оширишда сейсмик таъсирни камайтириш усуллари ишлаб чиқиш; бўш грунтларни сейсмик таъсирда зичланиш ҳолатини аниқлаш ишларига катта аҳамият қаратилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сочилувчан ва боғланишли грунтларнинг динамик хоссаларини ўрганиш, зилзила таъсирида мустаҳкамлик ва деформация кўрсаткичларини ўзгаришини, шунингдек уларни грунтли иншоотлар таркибида ишлаш ҳолатини асослаш бўйича хорижда Seed H.B., Harder L.F., Vaid Y.R., Thomas J., Kokusho T., Tanaka Y., Shannon W.L., Diletrich R.J., Rayatama L., Fukui F., Burland J.B., Абелев М.Ю., Герсеванов Н.М., Маслов Н.Н., Флорин В.А., Гольдштейн М.Н., Денисов Д.Я., Крутов В.И., Иванов П.Л., Мусаэлян А.А., Мавлянов Г.А., Зехниев Ф.Ф., Ахмедов Д.Д., Рузиев А.Р., Григорян А.А., Осипов В.И.,

Абрамова Т.Т., Вознесенский Е.А., Эйслер Л.А., Шкицкий Ю.П. ва бошқалар шуғулланишган.

Республикамизда сочилувчан грунтларда иншоот заминлари ва ушбу грунтлардан муҳандислик иншоотлари барпо этиш муаммоларини назарий ва амалий усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш, бўш грунтларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, шунингдек, турли иншоотларнинг грунтли муҳит билан алоқадорлиги муаммоларининг кўплаб муҳим амалий масалаларини ҳал этиш бўйича Рашидов Т.Р., Абдуллабеков Қ.Н., Хожметов Г.Х., Расулов Х.З., Хасанов А.З., Садыков А.Х., Шерматов М.Ш., Джураев А., Султанов К.С., Мажидов И.У., Туйчиева М.А., Марданов Б.М., Каюмов А., Частоедов Ю.Н. ва бошқалар томонидан илмий - тадқиқот ишлари олиб борилган.

Лекин кўрсатилган тадқиқотларда зилзила таъсирида боғланишли грунтлар мустаҳкамлиги ва мазкур грунтларда барпо этилувчи иншоот заминининг турғунлиги ва деформацияси масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур иш зилзила жараёнида грунт қаърида вужудга келувчи қолдиқ деформацияни ҳисобга олиш, заминнинг юк кўтариш қобилиятини ҳисоблаш ва ушбу жараёнда пойдевор чуқурлигини белгилаш каби муаммоларнинг илмий – техник ечимларини ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №23 “Намланган лёсс грунтларда сейсмик турғун заминлар ва пойдеворларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш усулларини ривожлантириш” (2008-2016), №16.3 “Бинолар, иншоотлар ва пойдеворларнинг зилзилабардош конструктив тизимларининг янги ҳисоблаш моделларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш алгоритмларини, ҳисоблаш дастурларини яратиш” (2008-2010), №4ОТ-Ф4-75-“Кучли зилзилалар таъсирида лёсс грунтлар мустаҳкамлик хоссаларининг ўзгаришини ҳисобга олиб иншоот заминининг юк кўтариш қобилиятини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш” (2017-2020) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кучли зилзилалар таъсирида лёсс грунтларда юзага келувчи ўта чўкиш деформациясини ва иншоот заминининг юк кўтариш қобилиятини баҳолаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сейсмик ҳудудларда бино ва иншоотлар заминини ҳисоблаш ва лойиҳалашнинг мавжуд усулларини такомиллаштириш;

грунтларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва деформациясини баҳолаш усулларини такомиллаштириш;

сейсмик чўкувчанлик остонаси ва сейсмик чўкиш модулига таъсир этувчи омилларни аниқлаш тажриба усулини ишлаб чиқиш;

иншоотларнинг сейсмик чўкиш деформацияси ва заминнинг юк кўтариш қобилиятини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш;

сейсмик районларда иншоот замини ва пойдеворини лойиҳалаш, ҳисоблаш ва барпо этиш бўйича норматив ҳужжат ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикаимиз ҳудудида кенг тарқалган турли физик-механик хоссаларни жамловчи ўта чўкувчан лёсс грунтлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини кучли зилзилалар таъсирида лёсс грунтли заминларнинг юк кўтариш қобилияти ва грунтнинг сейсмик чўкиш деформациясини, заминларнинг динамик мустаҳкамлик чегарасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, қурилиш механикаси, грунтлар механикаси, олий математиканинг фундаментал қонун ва қоидалари, экспериментни математик режалаштириш, графо-аналитик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

намланган лёсслардан ташкил топган заминларнинг зилзила таъсирига нисбатан турғунлигини баҳолашга оид сейсмик мустаҳкамлик мезони – «сейсмик ўта чўкувчанлик остонаси» грунтнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари ва динамик куч таъсирини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

лёссли грунтларнинг зилзила таъсирида зичланиш деформациясини аниқлаш юзасидан грунтнинг нисбий чўкишини белгиловчи омиллар асосида «сейсмик ўта чўкиш модули» усули ишлаб чиқилган;

намланган лёсслар устида динамик тадқиқотлар ўтказиш усули тебраниш жараёнида грунтнинг боғланиш кучларининг ўзгаришини ҳисобга олиш эвазига такомиллаштирилган;

намланган лёссли заминларга нисбатан хавфсиз юкнинг миқдорини аниқлаш усули тебраниш жараёнида юзага келувчи инерция кучини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

зилзила таъсирида иншоот заминида юзага келувчи қолдиқли деформацияни аниқлашга оид усул «қатламлаб жамлаш» услубидан фойдаланиш ва инерция кучини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лёсс грунтларнинг сейсмик мустаҳкамлигини аниқлаш усули грунтнинг силжишга қарши кўрсаткичларини ҳисобга олиш эвазига такомиллаштирилган;

кучли зилзилалар таъсирида лёсс грунтларда юзага келувчи қолдиқли деформацияни сейсмик ўта чўкиш модули ёрдамида аниқлаш ифодаси ишлаб чиқилган;

сейсмик таъсир остида иншоот заминининг юк кўтариш қобилияти грунтнинг тебраниш жараёнида юзага келувчи инерция кучи таъсирини ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тебранма ускунанинг бир вақтнинг ўзида тўртта бир хил грунт намунаси устида тажрибалар ўтказиш имконияти, математик статистика

усулларининг қўлланганлиги ва олинган натижаларни бошқа тажрибалар натижалари билан солиштириш орқали асосланган, назарий тадқиқотлар натижалари тажриба натижалари билан қиёсий таҳлил усулида асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти грунтларга сейсмик кучлар таъсир этаётганда уларнинг мустаҳкамлик, турғунлик ва деформация тавсифларини аниқлашнинг янги, мукаммаллашган назарий-амалий усулини ишлаб чиқилганлиги ва ушбу усул грунт деформацияланишининг аниқ кўрсаткичлари асосида грунт тавсифларининг ишончли қийматларини аниқлаш имконини бериши, шунингдек, грунтлар механикасининг қонунлари қўлланилиши жабҳалари аниқланганлиги, тебраниш жараёнида иншоотлар заминида юзага келувчи сейсмик чўкиш деформациясини аниқлашнинг янги, такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замин ва пойдеворларга иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги назариясининг турли усулларини қўллаш йўналишларини очиб беришга имкон яратиш, замин ва пойдеворларда деформация ҳолати пайдо бўлиш механизмларини очиб беришдан иборат бўлиб, улар иншоотлар замини ва пойдеворларини мустаҳкамлик, зилзилабардошлик ва умрбоқийликка ҳисоблашда қўлланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Намланган лёссларнинг зилзила таъсирида ўта чўкиш деформацияси ва замин турғунлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сейсмик ҳудудларда бино ва иншоотлар заминининг юк кўтариш қобилиятини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган усули Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига қарашли «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ томонидан Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги иссиқ руҳлаш ва металл конструкция ишлаб чиқариш заводининг қурилишини лойиҳалаш жараёнида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш қўмитасининг 2018 йил 2 апрелдаги 2346а/30-01-сон маълумотномаси). Натижада сейсмик мустаҳкамлик усули бинолар ва гидротехника иншоотларининг сейсмик турғунлигини таъминлашни кенгайтириш имкониятларини яратган;

иншоотлар заминларининг сейсмик турғунлик мезони ва грунтнинг чўкишини баҳолаш усули Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида 1000 бошга мўлжалланган йирик шоҳли қорамоллар учун чорвачилик комплексини лойиҳалаш жараёнида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш қўмитасининг 2018 йил 2 апрелдаги 2346а/30-01-сон маълумотномаси). Натижада заминдаги грунтнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича талаб қилинган зичлик ва намлик кўрсаткичларини таъминлашга эришилган;

лёссларнинг сейсмик чўкувчанлик остонаси ва чўкиш модулини аниқлашнинг тажриба усули Жиззах вилояти Зомин тумани Даштобод

шаҳрида Дехқон бозори комплекси қурилишини лойиҳалаш жараёнида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш қўмитасининг 2018 йил 2 апрелдаги 2346а/30-01-сон маълумотномаси). Натижада намланган лёссларнинг сейсмик чўкувчанлик оstonаси ва чўкиш модулининг тажриба усулини қўллаш ёрдамида заминнинг умумий турғунлигини таъминлашга эришилган;

сейсмик районларда заминга нисбатан хавфсиз юклама ва иншоотнинг чўкиш деформациясини аниқлаш усули Наманган вилояти Поп тумани Чодак қишлоғи Бузчиён посёлкасида бир қаватли турар жой уйлари лойиҳалаш ҳамда қуришда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш қўмитасининг 2018 йил 2 апрелдаги 2346а/30-01-сон маълумотномаси). Натижада иншоотнинг заминга нисбатан тушадиган юкламаси ва чўкишнинг қолдиқ деформациясини аниқлашга эришилган;

сейсмик районларда иншоотлар турғунлигини пойдевор чуқурлигини ошириш орқали таъминлаш усули “Камолот” спорт комплексини таъмирлашда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш қўмитасининг 2018 йил 2 апрелдаги 2346а/30-01-сон маълумотномаси). Натижада пойдеворларнинг чуқурлигини ошириш орқали иншоотлар турғунлигини таъминлашга эришилган;

намланган лёссларнинг зилзила таъсирида ўта чўкиш деформацияси ва замин турғунлигини баҳолаш усули “Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК)”нинг 2.01.03 “Бино ва иншоотлар заминлари” бўлимига оид “Сейсмик районларда иншоотлар заминини лойиҳалаш асослари” деб номланган 10-бандига жумладан: “сейсмик районларда пойдевор чуқурлиги”, “заминларнинг юк кўтариш қобилятини баҳолаш” ва “сейсмик ўта чўкиш деформациясини ҳисобга олиш” усуллари киритилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш қўмитасининг 2018 йил 2 апрелдаги 2346а/30-01-сон маълумотномаси). Натижада бино ва иншоотлар заминидagi намланган лёсс грунтларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ошириш ёрдамида иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро (жумладан, 2 та хорижий) ва 15 та республика илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган. Улардан ташқари, 1та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 184 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сейсмик ҳудудларда заминлар ва пойдеворларни ҳисоблаш ва лойиҳалашнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида сейсмик ҳудудларда иншоотлар заминини лойиҳалаш ва барпо қилишнинг ҳозирги кундаги ҳолатининг аналитик таҳлили келтирилган.

Зилзила жараёнида иншоотнинг ер устки қисми шикастланмай сақланган ҳолатда унда кузатилувчи силжиш, оғиш, эгилиш, қийшайиш, ағдарилиш каби деформацияларнинг вужудга келиши замин грунтларининг сейсмик чўкишининг аломати эканлиги ҳақидаги гипотеза олға сурилган.

Агар бинонинг замини кутилаётган тебранишга нисбатан турғун бўлса, у ҳолда юқоридаги ҳолатлар юзага келмайди ва бундай вазиятларда қурилмаларда ёриқлар, бузилишлар ва ҳоказолар иншоотда сейсмик таъсирга нисбатан етарлича тадбирлар қўлланилмаганлиги оқибатида юзага келади. Аслида ер силкиниши жараёни инсонлар ҳалокати ва моддий бойликларнинг йўқотилиши каби оғир оқибатлари билан хавфлидир.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларда иншоотларни зилзила таъсирига нисбатан ҳисоблаш ва лойиҳалашда асосий эътибор бинонинг ер усти қисмига қаратилган, унинг замини эса эластик деформацияланувчан жисм деб ҳисобланади. Ушбу ҳолат ҚМҚ 2.01.03-96 нинг 3.1.6- бандида ўз аксини топган. Унда: «...зилзилавий ҳудудларда бунёд этилувчи бино ва иншоотларнинг замини ҚМҚ 2.02.01-98 талабларига амал қилган ҳолда лойиҳалаштирилиши зарур» деб таъкидланади.

Ўз навбатида, ҚМҚ 2.02.01-98 меъёрий ҳужжатда бино ва иншоотлар заминининг биринчи чегаравий ҳолат (яъни заминнинг юк кўтариш қобилияти) бўйича ҳисоблаш лозимлиги қайд этилади (2.3- банд).

Ушбу кўрсатма кўп ҳолларда, айниқса, замин бўш грунтлардан ташкил топган шароитларда амалда кузатилувчи ҳолатларга мос келмайди, чунки зилзила жараёнида юзага келувчи грунтдаги қолдиқ деформация ҳисобга олинмайди.

Иншоот заминидаги грунтнинг сейсмик чўкишини ҳисобга олмаслик кўп ҳолларда қурилиш амалиётида ўзини оқламайди. Ушбу ҳолат юзасидан сўнгги йилларда сайёрамизда юз берган зилзилалар оқибатининг таҳлили, кўплаб иншоотларнинг ер устки қисми деярли зарар кўрмаган ҳолда, уларнинг чўкиш, эгилиш, буралиш, қийшайиш каби ҳолати замин

грунтларининг сейсмик деформацияси натижаси эканлиги исбот талаб этмайди.

Республикамиз теграсида кенг тарқалган лёсс ва лёссимон грунтлар сейсмологлар томонидан зилзила таъсирига нисбатан энг нобоп грунтлардан бири сифатида қайд этилган. Тузилмаси бўйича сув таъсирига нисбатан чидамсиз бўлган ушбу грунтлар қуруқ ҳолатда носейсмик теграларда нисбатан мустаҳкам замин вазифасини ўтайди. Аммо намланиш ва тебраниш таъсирида уларнинг зарралари орасидаги сувга чидамсиз боғланиш кучлари кескин бузилиши ва катта миқдорда ўта чўкиш деформацияси юзага келади.

Бу эса, ўз навбатида, иншоотлар учун ўта хавфли бўлган сейсмик чўкиш кўринишидаги деформациялар пайдо қилади.

Намланган грунтларнинг зилзила таъсирида чўкишида уларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари муҳим роль ўйнайди. Ушбу ҳолатда $P = 3,0 \cdot 10^5$ Па миқдордаги босим таъсирида уларнинг ички ишқаланиш бурчаги 14^0 дан 19^0 гача, заррачалараро боғланиш кучининг миқдори эса $0,05$ дан $3,0 \cdot 10^5$ Па гача ўзгариши кузатилади.

Сейсмик чўкиш ҳолати нисбатан бўш тузилмали грунтларга динамик таъсир этганда юзага келиши мумкин. Шу боис бир вақтнинг ўзида грунтнинг намланиши ва тебранма ҳаракат таъсири иншоотнинг юқори миқдорда сейсмик чўкишини юзага келтиради. Ушбу ҳолат, айниқса, таркибида лойли зарралар миқдори кам бўлган ва асосан, чангсимон зарралардан ташкил топган лёсс ва лёссимон грунтларда нисбатан кўпроқ намоён бўлади ва баъзи ҳолларда кам намланган шароитда ҳам кузатилиши мумкин.

Шу билан бирга, тебраниш жараёнида грунт зарраларини туташтириб турувчи, сувга чидамсиз бўлган боғланиш кучлари сусайиб, баъзи шароитларда бутунлай йўқолиши мумкин. Грунт таркибидаги боғланиш ва ишқаланиш кучларининг сусайиши тебраниш жараёнида деярли бир вақтда юзага келади.

Лёссларнинг юқори намланишида улардаги ички ишқаланиш кучлари кескин камаяди ($10-12$ градусгача), бу эса, ўз навбатида, уларнинг силжишга қаршилиги ва юк кўтариш қобилияти сусайишига олиб келади. Динамик таъсир жараёнида лёсслар тезда зичланиши оқибатида уларнинг ғовакликлари қисқаради ва ушбу жараён иншоотнинг қўшимча сейсмик чўкишига олиб келади. Мазкур ҳолат иншоотдан фойдаланиш даврида маълум сабабларга кўра грунтнинг намланиши оқибатида кескин тус олиши мумкин.

Диссертациянинг “**Лёссларнинг сейсмик чўкишини башоратлаш**” деб номланган иккинчи бобида ушбу грунтларнинг динамик турғунлик мезони – сейсмик чўкувчанлик остонаси ва грунтнинг зилзила таъсирида чўкиш деформациясини баҳолаш усули – сейсмик чўкиш модули назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган.

Юқорида қайд этилгандек, лёсснинг сейсмик чўкиш деформацияси динамик таъсир остида грунт қатламлари тузилмасининг бузилиши

оқибатида вужудга келади. Ушбу ҳолатда динамик таъсирнинг миқдори муҳим ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу билан бирга, грунтнинг табиий мустаҳкамлик ҳолати, зичлик ва намлик кўрсаткичлари ҳам маълум даражада аҳамият касб этади. Шубҳасиз, грунтнинг мустаҳкамлиги қанчалик юқори бўлса, сейсмик чўкишни юзага келтирувчи тезланишнинг ҳисобий улуши шунчалик кам бўлади.

Лёссларнинг сейсмик таъсирга нисбатан турғунлигини ифодаловчи мезон (сейсмик чўкувчанлик остонаси)ни баҳолашда қарама-қарши икки куч, яъни: ташқи таъсир (сейсмик тезланиш) ва грунтнинг мустаҳкамлиги (грунтнинг силжишга қаршилиги)нинг мувозанат ҳолати асос қилиб олинган.

Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда сейсмик чўкувчанлик остонаси (a_{lim}) таъсир этаётган сейсмик тезланишнинг грунт мустаҳкамлигини (боғланиш c_w , ишқаланиш φ_w кучлари ва б.) енгилга сарфланувчи қисми эканлиги назарда тутилса, уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\alpha_{lim} = \xi(\sigma_d \operatorname{tg} \varphi_w + c_w) , \quad (1)$$

бу ерда: ξ – грунтнинг ҳолати ва хоссасига, шунингдек, динамик режимнинг хусусиятига боғлиқ параметр; σ_d – қаралаётган сатҳдан юқорида жойлашган грунт ва иншоотнинг оғирлигидан юзага келувчи зўриқишнинг тик йўналган ташкил этувчиси.

Сейсмик чўкувчанлик остонаси a_{lim} га қуйидагича таъриф бериш мумкин: У шундай динамик таъсирки, унинг миқдоридан кам бўлган тебранишлар остида грунтнинг тузилмаси бузилмайди ва грунт ўзининг мувозанат ҳолатида тебранади. Таъсир этувчи кучнинг миқдори a_{lim} дан ортиши билан грунт тузилмаси бузилиб, сейсмик чўкиш юзага келади.

Грунт тузилмасининг мустаҳкамлиги (боғланиш кучи, ишқаланиш бурчаги ва бошқалар) генетик ва табиий шароитларга боғлиқ равишда бир-биридан кескин фарқланишини назарда тутилса, сейсмик чўкувчанлик остонаси миқдорини ҳар бир алоҳида ҳол учун тажриба усули ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун виброкомпрессия асбобидан фойдаланиш яхши натижа бериши тажрибаларимизда кузатилди.

Лёссларнинг сейсмик чўкиш деформациясини баҳолашда эса нисбий кўрсаткич, яъни промиллдан фойдаланиш усули бирмунча қулай бўлиб, унда грунтнинг физик кўрсаткичларини (зарралар ва грунт зичлиги, ғоваклик кўрсаткичлари ва х.) аниқлашга оид тажриба ишларини четлаб ўтган ҳолда, тўғридан-тўғри компрессия тажрибасини ўтказиш кифоя қилади. Лёсснинг нисбий чўкиш миқдорини промиллда акс эттириш, маълум динамик таъсир остида тебратаётган бир метрли грунт қатламининг миллиметр билан ифодаланувчи сейсмик чўкиш модулини ифодалайди.

Лёсс ва лёссимон грунтлар учун сейсмик чўкиш модули турлича бўлиб, бир хил тебраниш таъсирида унинг миқдори грунтнинг тузилмаси ва ҳолатига боғлиқ бўлади.

Лёссларнинг нисбий сейсмик чўкиш деформацияси e_p^c промиллда ифодаланганда компрессия тажрибасининг натижасини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$e_p^c = \frac{\Delta h}{h} \Delta h, \quad (2)$$

бу ерда: Δh -маълум динамик таъсирда грунт зичланишининг абсолют миқдори; h -грунт намунасининг бошланғич баландлиги.

e_p^c - кўрсаткичи аниқ муҳандислик маъносига эга бўлиб, уни таҳлил қилиш қийинчилик туғдирмайди. Мисол сифатида $e_3^{2000} = 20$ мм деб фараз қилайлик. Бу эса, ўз навбатида, $P=3,0 \cdot 10^5$ Па ташқи юк остидаги бир метрлик грунт қатламига $\alpha = 2000 \text{ mm} / \text{c}^2$ тезланишли тебраниш таъсир эттирилганда 20 мм миқдордаги сейсмик чўкиш юзага келади деган маънони билдиради.

Диссертациянинг “**Сейсмик чўкувчанлик остонаси ва сейсмик чўкиш модулини аниқлашнинг экспериментал асослари**” деб номланган учинчи бобида тажриба ўтказилган 17 турдаги лёсс грунтлар ҳақидаги маълумотлар, тебранма ҳаракат ускунаси, ўлчов асбоблари, сейсмик чўкувчанлик остонаси α_{lim} ва сейсмик чўкиш модулини e_p^c шунингдек, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлашга оид тажриба усуллари, тажрибалар натижалари ва уларнинг таҳлиллари баён этилган.

Тадқиқотлар учун Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё ва бошқа вилоятлардан келтирилган лёссларнинг умумий хоссаларини ўзида жамлаган грунтлардан фойдаланилди. Маълумки, ушбу ҳудудлар геоморфологик жиҳатдан турлича бўлиб, 30 м гача қалинликдаги лёсс жинслари қатлами билан қопланган. Ҳосил бўлиши (генетикаси) бўйича улар делювий, пролювий ва аллювий шароитларга тегишли бўлган чангсимон ва оз миқдорда лойли зарралардан ташкил топган. Уларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари қуйидагича: ички ишқаланиш бурчаги $24^\circ - 28^\circ$ гача, боғланиш кучлари $0 - 0.40 \cdot 10^5$ Па гача ораликда ўзгаради.

Асосий тажриба тадқиқотлари ТАҚИнинг тебранма ускунасида ўтказилди. Ушбу қурилманинг ўзига хос хусусияти тебраниш режими ҳисобланади, яъни ўзгармас частота ва ўзгарувчан амплитуда (ёки аксинча) ҳисобига тебранма ҳаракат тезланишини ҳосил қилиш мумкин. Изланишларимизда зилзила ёзувларига яқин частота (2-10 Гц) ва 0.05-8.0 мм оралиғидаги амплитудалар ҳисобига 6 дан 10 баллгача ораликдаги тезланишлар 0.005-0.8g таъсирида синовлар ўтказилди.

Сейсмик чўкувчанлик остонаси α_{lim} ва сейсмик чўкиш модули миқдорларини аниқлашга оид қуйидаги ягона тажриба усули ишлаб чиқилди.

Тебранувчи плита сиртига тегишли ўлчов асбоблари (репер, индикатор ва б.) билан жиҳозланган 4 та компрессия идиши ўрнатилади. Идишнинг ичи берилган зичлик ва намликдаги грунт намунаси билан тўлдирилади. Грунтнинг бошланғич зичлиги (n_0) аниқланади. Шундан сўнг плита кичик миқдордан бошлаб тебранма ҳаракатга келтирилади. Тебраниш жараёнида индикатор стрелкаси ва тебранма ҳаракат тезланиши узлуксиз кузатиб борилади.


Грунт тузилмасининг бузилиши ва унинг қаърида чўкиш деформациясидан хабар берувчи индикатор стрелкаси ҳаракатининг бошланишига олиб келувчи тезланишнинг миқдори мазкур ҳолатдаги грунт учун сейсмик чўкувчанлик остонаси деб қабул қилинади. Шундан сўнг тадқиқотнинг навбатдаги босқичи, яъни сейсмик чўкиш модулини аниқлаш жараёни бошланади. Бунда тебранма ҳаракат олдиндан белгиланган миқдоргача оширилади ва реперлар ҳаракатларини кузатиш давом эттирилади. Ушбу жараёнда индикаторларнинг кўрсаткичлари бир неча марта қайд этиб борилади. Грунтнинг чўкиш жараёни тугаганлигидан хабар берувчи индикатор стрелкаси ҳаракатининг тўхташ кўрсаткичи миқдоридан фойдаланиб, мазкур тебраниш оқибатида юзага келган грунтнинг сейсмик чўкиш модули юқоридаги (2) ифода ёрдамида ҳисобланади.

Компрессия асбобининг шакли, диаметри ва баландлиги тажриба талаблари ва грунтнинг табиий тузилмаси бузилган ёки бузилмаганлик ҳолатига қараб танланади. Индикаторлар ёрдамидаги ўлчовлар 0.01мм аниқликда бажарилади.


Тебранувчи плитанинг юзаси бир вақтнинг ўзида ўзгармас динамик куч таъсирида 4 тагача ўзаро монанд намуналар устида тажриба ўтказишга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, синов натижаларини таққослаш имконини беради.

Тажрибалар жараёнида динамик таъсир кучи (тезланиш); дастлабки ва тебранишдан сўнг грунт намунасининг баландлиги; грунтнинг дастлабки ва тебранишдан юзага келувчи намуна зичлиги; ғоваклик ва грунтнинг сейсмик чўкувчанлик остонаси ҳақида маълумотлар олинади. Жами 600 дан зиёд тажриба ўтказилган. Уларнинг натижалари боғланган грунтларнинг силжишга қаршилигининг ўртача қийматларини аниқлашга оид математик статистика усули ёрдамида таҳлил қилиб борилди.

Сейсмик чўкувчанлик остонасини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказишда асосий эътибор қуйидаги омилларга қаратилди: грунтнинг боғланиш кучи, ички ишқаланиш бурчаги, грунт намлиги, қатлам чуқурлиги, унинг соф оғирлиги ва грунт сиртига қўйилган ташқи юк ва ҳ.




1-расм. Ўта чўкувчанлик остонасининг боғланиш кучига боғлиқлиги




2-расм. Ўта чўкувчанлик остонасининг чуқурлик бўйича ўзгариши


Қатлам қаъри бўйлаб сейсмик чўкувчанлик остонасининг (α_{lim}) ортиб бориши грунтнинг соф оғирлиги, иншоотдан узатилувчи юкдан юзага келувчи зўриқишнинг тик йўналган ташкил этувчиси ва грунтнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари билан боғлиқ эканлиги кўплаб тажрибаларда кузатилди. Бир жинсли лёсслар сер-жинсли лёссларга нисбатан кам турғунликка эга. Шунингдек, грунт таркибида лойли заррачалар миқдорини ортиши унинг мустаҳкамлиги ва сейсмик турғунлигига ижобий таъсир кўрсатади.




3-расм. Ўта чўкувчанлик остонасининг ташқи юкка боғлиқлиги.




4-расм. Ўта чўкуш модулининг зарралар ўлчамли боғлиқлиги.




5-расм. Ўта чўкуш модули ва грунт ғовоклиги орасидаги боғлиқлик.



6-расм. Сейсмик ўта чўкувчанлик деформациясининг тезлиги ва тебраниш миқдори орасидаги боғлиқлик.



7-расм. Тебраниш частотасининг ўта чўкуш модулига таъсири.



8-расм. Ўта чўкуш модулининг тебраниш давомийлигига боғлиқлиги.

Лёсслар тузилмасининг бузилиши ва сейсмик чўкиш деформациясининг вужудга келиши қуйидаги шароитлар юзага келиши билан боғлиқлиги аниқланди:

а) грунт зарраларининг ғовак жойлашуви, яъни унинг тебранишдан олдинги зичлиги тебраниш жараёнида эришиладиган зичлик миқдоридан кам бўлиши;

б) тезланиш шаклида ифодаланувчи тебрантирувчи кучнинг миқдори грунтнинг мустаҳкамлик кўрсаткичларига боғлиқ бўлган сейсмик чўкувчанлик остонаси қийматидан юқори бўлиши.

Шу билан бирга, грунт мустаҳкамлигининг ортиши (1-расм), қатлам чуқурлиги (2-расм), ташқи юкнинг миқдори (3-расм) ва зарраларнинг йириклиги (4-расм) ўта чўкувчанлик остонаси миқдорининг ортишига таъсир кўрсатиши ҳам кузатилди.

Зилзила таъсирида грунт қаърида юзага келувчи сейсмик чўкиш деформациясини ёлғиз грунтнинг зичлик ва намлик ҳолати билан баҳолаб бўлмайди, чунки у қатлам қаърида рўй берувчи мураккаб жараёнлар натижасидир.

Зарралари нисбатан бўш боғланган йирик ғовакли лёссларнинг тебраниш жараёнидаги деформацияланиши улар тузилмасининг нотурғунлиги билан ҳам боғлиқ.

Грунт зичлигининг камайиши (5-расм), таъсир кучининг (6-расм) ва юқори частотали тебранишларнинг ортиши (7-расм), шунингдек, тебраниш давомийлигининг узайиши (8-расм) сейсмик чўкиш модули e_p^c нинг миқдорига таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, қатлам чуқурлиги билан боғлиқ боғланиш ва ишқаланиш кучларининг ортиши, грунт соф оғирлигининг таъсири натижасида сейсмик чўкиш модули камайиб бориши ҳам тажрибаларда кузатилди.

Диссертациянинг **“Намланган лёсс грунтларда иншоотлар заминининг сейсмик турғунлигини ҳисоблаш”** деб номланган тўртинчи бобида грунтда тебраниш жараёнида юзага келувчи инерция кучини ҳисобга олиб заминга нисбатан ҳавфсиз юк (грунтнинг ҳисобий қаршилиги) миқдорини аниқлаш ва грунтнинг сейсмик чўкиш деформациясини башоратлаш усулларини ишлаб чиқишга оид назарий ёндашув асослари баён этилган.

Иншоот заминининг ҳисобий қаршилигини аниқлашга оид мазкур ёндошув сейсмик тебраниш жараёнида пойдевор остидаги грунт қатламининг мувозанатини бузилишига йўл қўймаслик ҳолатига асосланади. Шу билан бирга ушбу ҳолат тебраниш жараёнида замин қаърида юзага келувчи инерция кучини ҳисобга олади. Маълумки, зилзила жараёнида юзага келувчи инерция таъсири сейсмик коэффициент орқали ифодаланиб унинг миқдори зилзила кучига боғлиқдир. Демак, ушбу таъсир зилзила кучига боғлиқ равишда грунтнинг ҳисобий қаршилигини статик ҳолатига нисбатан бирмунча камайишига сабаб бўлади. Аммо шу билан бирга замин қаъридаги грунтни ўз мустаҳкамлигини сақлаган ҳолда эластик жисм сифатида

